

УДК: 398:297:008 (ҚҚ) 584.4

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ФЕНОМЕНИНИ ЎРГАНИШНИНГ
ФАЛСАФИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Сапарова Гулбахар Айтбаевна – *фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*
saparovagulbahar67@gmail.com

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**ФЕНОМЕН ИЗУЧЕНИЯ ФИЛОСОФСКО-ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ ОСНОВЫ САМОСОЗНАНИЯ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ**

Сапарова Гулбахар Айтбаевна – *доктор философии по философским наукам, доцент*
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

**PHILOSOPHICAL-THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE STUDY OF THE PHENOMENON
OF UNDERSTANDING NATIONAL IDENTITY**

Saparova Gulbakhar Aytbaevna – *Doctor of Philosophy in Philosophy, Associate Professor*
Nukus State Pedagogical institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: бирлик, меҳр-окибат, ўзаро келишув, маданият, маънавият, санъат, урф-одат, анъана, миллат, ўзликни англаш, миллий қадрият, диний эътиқод, бадиий адабиёт, дин.

Резюме. Мақолада миллий ўзликни англаш масалалари муҳокама қилинади. Бундан ташқари бирлик меҳр-окибат, ўзаро келишувни шакллантирган уруғ-қабил муносабатлар, диний эътиқодлар, миллий қадриятлар каби тушунчалар тафсилланиди. Шунингдек, алломалар ақл ва ахлоқ муштараклигига урғу бериб, ҳар бир инсон ва халқнинг маънавиятини шакллантириш орқали миллий хусусият ва миллий қадриятларнинг шакллантириш ва ўзликни англашни алоҳида ўрин тутди.

Ключевые слова: единство, доброта, взаимное согласие, культура, духовность, искусство, обычай, традиция, нация, идентичность, национальная ценность, религиозные убеждения, художественная литература, религия.

Резюме. В статье рассматриваются вопросы национальной идентичности. Кроме того, рассматриваются такие понятия, как единство, доброта, родоплеменные отношения, религиозные убеждения и национальные ценности. Также ученые подчеркивают общность разума и морали, а в формировании духовности каждого человека и нации особое место отводится формированию национальных особенностей и национальных ценностей, самосознанию.

Key words: unity, kindness, mutual agreement, culture, spirituality, art, custom, tradition, nation, identity, national value, religious belief, fiction, religion

Summary. The article discusses issues of national identity. In addition, concepts such as unity, kindness, clan-tribal relations, religious beliefs, and national values are described. Also, scholars emphasize the commonality of mind and morals, and by forming the spirituality of each person and nation, the formation of national characteristics and national values and self-awareness are given a special place.

Қирш. Миллий ўзликни англаш масаласи турли фан соҳаси мутахассисларининг анча вақтдан буён қизиқтириб келаётган тадқиқот объектларидандир. Қадимги дунё файласуфларидан тортиб, ҳозирги давр тадқиқотчилари бу масала билан шуғулланганлар. Хусусан Сукрот, Аристотель, Платон, Геродот, Э.Дюркгейм, Декарт, Монтескье, Гоббс, И.Кант, Гегель, З.Фрейд, ва бошқалар инсониятнинг ўзлиги ҳақида қимматли фикрлар билдирганлар. Уларнинг асарларида ўзликни англаш масаласи аксарият ҳолда дин билан боғлиқлиги кузатилади.

Материаллар. Аристотел Платоннинг “ғоялар дунёси” ғоясига қарши чиқади ва табиатни билиш эса унингча, ҳис қилиш манбаи деб ҳисобланди. Унинг методологиясида ўзликни англаш жараёни эса (фалсафа предметида қўллангани сингари) икки қисмдан иборат деб қаралади. Биринчиси, хусусий метафизика бўлиб, у Аристотель фикрига кўра, теология бўлиб, у “характсиз субстанцияни”, яъни Худони билиш мақсадини ўз олдига қўяди. Иккинчиси, умумий метафизика бўлиб, борлиқнинг айрим қисмларини алоҳида ажратиб ўрганадиган хусусий илмлардан фарқли ўларок, борлиқнинг нима учун ва қандай мақсадга биноан борлиғини билишга интилиш ташкил этади [1:335].

Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида одамлардаги психологик бирлик ҳақида фикр

юритилади, олимнинг фикрича, бундай бирлик меҳр-окибат, ўзаро келишувни шакллантирган уруғ-қабил муносабатларига асосланади. Шу билан бирга бундай бирлик хулқий нормалар ва тил бирлигига таянади. Яна Форобий одамларнинг борлиққа муносабатида ва ўзлигини англашида жамоавийликка бирлашиши зарур деб тушунади. Ҳар бир инсон яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди «...уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади» [2:172].

Форобийнинг халқларни ўзига хос рухий (психологик) бирлик ҳақидаги фикрлари улар ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини тушуниб етишга хизмат қилди.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида халқларнинг тили, урф-одати, анъаналари, дини тўғрисида муҳим фикрлар билдирган. Олимнинг фикрича, одамга ташқи оламини, нарса ва ҳодисаларни, шу жумладан ўзи ҳақидаги билимларни идрок этиш учун ақл берилган. Инсоннинг ақлий қобилиятлари, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, хотира оламини янада тиникроқ тасаввур этиш учун инсонга берилган «Тангри тухвасидир». «Ақлий қобилиятлар туфайли инсон ташқи муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларнинг бирини иккинчисига топширтиради, таҳлил қилади, ростни ёлғондан, адолатни

адолатсизликдан, яхшини ёмондан, ҳақиқатни ноҳақдан ажратади» [3:486].

Абу Али Ибн Сино фалсафа, логика, психология, этика, филология ва ижтимоий сиёсий масалаларга бағишланган кўп асарлар яратди. Олимнинг фикрига кўра, барча мавжудотларнинг асоси ва ибтидоси «вужуди вожиб»дир, яъни Тангридир. Вужуди вожиб-бу биринчи моҳият, ядродир. Шунинг учун олим одамлар гуруҳи ёки алоҳида ягона одамнинг хулқ-атвори, ахлоқий фазилатлари, миллий хусусиятлари шаклланишини «вужуди вожиб» Олий Рух билан боғлайди. Шу билан бирга табиий руҳни ҳам эътироф этади. Унингча, табиий қувватлар эса, табиий руҳдан куч олади [4:119].

Ибн Синонинг меросида илм ва ахлоқ бирлиги масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Усуллари. Бу олимларнинг асарларида ўз-ўзини англаш ва миллий ўзликни англаш алоҳида ажратилмаган бўлса-да бу масала оламни билиш, шахс ва жамият аъзоларининг маънавиятини шакллантириш муаммолари билан кўшиб олиб борилган. Шунингдек, алломалар ақл ва ахлоқ муштараклигига урғу бериб, ҳар бир инсон ва халқнинг маънавиятини шакллантириш орқали миллий хусусият ва миллий кадриятларнинг шакллантириш ва ўзликни англашни кўзда тутадилар. Масалан, маънавиятимиз бобоколони ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларида дўстлик, ҳамкорлик, ростгўйлик, ҳаё, вафо, андиша, хушсуханлик каби ахлоқий сифатларни улуғлаб таъриф этади.

Ҳазрат Навоий «Махбуб ул Қулуб» асарида ёзади: «Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур, тили ариғ (нозик) ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур». Ёки «Ҳаёсизда вафо йўқ, вафосизда ҳаё йўқ... Карам (саховат) ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё-икки ҳамзод фарзанд. Ҳар неча ул икковга нур била сафоур, бу икковга иттисол (боғланиш) била пайванд... Комиллар аҳли ҳаё ва нокислар беҳаё...» [5:13].

Бу сатрлар чин инсоний фазилат бўлиб, ҳар бир одам ва миллатга хосдир, уларни англаб олиш учун ақлий салоҳиятини ишга солиши, билим олиши ва аждодлар меросига таяниб, ўзлигини англаши орқали миллий хусусиятларини ҳам ривожлантиришга эришади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий ўзликни англаш феномени мазмун-моғиятини очишга бағишланган асарлар юзага келди, жумладан, академик Ю.В.Бромлей фикрига кўра, миллий ўзликни англаш деганда “ўзи ҳақида миллатга хос барча тасаввурларининг комил аксида (шу миллатга мансублик ҳам) билиб олинган манфаатлар ҳамда бошқа миллатлар билан муносабатидаги йўл-йўриқ ва кадриятли йўналиш” ни тушуниш керак [6:31].

Бундан кўринадики, миллий ўзликни англаш жараёнида асосий ўрғу миллат билан боғлиқ барча тасаввурлар комплексига берилган бўлиб, у ўз ўрнида муайян миллатга хос бўлган тил, маданият, ўтмиш маънавий-маданий мероси, урф-одат, анъаналар ва диний кадриятларни камраб олади.

Л.М.Дробышеванинг фикрича, миллий ўзликни англаш маънавий маърифат ҳисобланиб, у “ҳам автостереотиплар ҳам ҳудуд, маданият, тил, тарих, ўтмишдан иборат тасаввурларини камраб олади”,

шунингдек “ўз халқининг тарихий ва маданий кадриятларига муносабати, энг муҳими – халқлар фаолиятини рағбатлантирувчи миллий манфаатлари”дир [7:31].

Мавжуд таърифда миллий ўзликни англаш феноменини маънавий маърифат деб белгилаб, миллий манфаатларга ўрғу берилган. А.К.Уледов миллий ўзликни англаш феноменига янада кенг таъриф беришга ҳаракат қилади. Унингча, миллий ўзликни англаш “ғоя, қарашлар, ҳиссиётлар умумлашмаси билан боғлиқ бўлиб, биринчидан, миллий бирликни ўзи аниқлаши ва иккинчидан, “Ватан” тушунчасини белгиловчи ижтимоий-сиёсий кадриятларни, ҳудуд, маданият, тил, тарих ўтмишдан иборат тамонларини камраб олади” [8:318].

Олим бу фикрларни янада давом эттириб юқоридаги таърифлардан фарқли ўлароқ, миллий ўзликни англашни нафақат миллат ҳақидаги комплекс тасаввурлар, миллий манфаатлар, балки бу жараённинг ижтимоий-маданий, иқтисодий фаолият ва ижтимоий-тарихий бирлик деб қарайди.

Натижалар. Демак, ўз-ўзини англаш ёки миллий ўзликни англашга юқорида берилган таърифларда диний онг ва инсон руҳиятидан ташқари, унинг яшаш фаолияти билан боғлиқ кадриятлари, меҳнати ҳисобга олиниб, айниқса халқларнинг миллат (этнос) бўлиб шаклланиши жараёнига алоҳида эътибор берилади. Олимларнинг эътирофига кўра, этноснинг биринчи илмий тарифи С.М.Широкогородов (1887-1939) томонидан берилган. Унингча, “Этнос-бу бир тилда сўзлашувчи, ўзларининг бир хил келиб чиқиш ва муштарак шаклланиш жараёнини тан олувчи, бошқа халқлардан фарқ этувчи қатор урф-одат ва анъаналарга эга бўлган кишилар гуруҳидир” [9:20].

Кейинчалик этносга олимлар томонидан ўттизга яқин таъриф берилдики, улар моҳият жihatдан яқин тушунчалар бўлган ҳолда бир-бирини иккинчиси инкор этмайди, аксинча, мазмун жihatдан тўлдиради. Этноснинг характерли белгилари тил, тарихий урф-одат, анъана ўзини-ўзи англашнинг умумийлигидир. Тил муайян этносга мансубликни асосий белгисидир. Урф-одат, турмуш тарзи билан боғлиқ кадриятлар кишилар гуруҳида таракқиётнинг тарихий босқичларида шакилланиб, жамиятнинг мураккаб жараёнлари синовидан ўтиб, кишилар қалби ва руҳиятидан ўрин олган этник мансубликни ўзига хос кўринишидир.

Олимларнинг фикрига кўра, ўзликни англаш бир неча кўринишда бўлади: шахсий, ижтимоий ва умуминсоний ўзликни англашдан иборат. Шахсий ўзликни англаш ижтимоий ўзликни англаш заминида вужудга келади. Ҳар бир киши ўзлигини англаши учун аввал ўзи мансуб бўлган этник гуруҳнинг қайси этноижтимоий гуруҳга мансублигини идрок этиб, бу гуруҳни бошқа этномаданий гуруҳлар билан таққослагандагина ўз этник гуруҳга мансублигини англайди. Бу жараёнда тил, ҳудуд, дин, этноижтимоий гуруҳга мансублик, кадриятлар умуминсоний ўзликни англашнинг асосий белгилари бўлиб ҳисобланади. Умуминсоний ўзликни англаш эса, у бутун инсониятнинг ягона мақсад сари бирлашиб, ижтимоий ҳаётга таҳдид солувчи муаммоларни биргаликда ҳал этишни кўзда тутди.

И.Хўжамуродов Ўзбекистон ва чет эл олимларининг миллий ўзликни англаш бўйича қарашлари, фикрларини умумлаштириб “этнос”ни шундай таърифлайди: “Этнос-кишилар социал гуруҳларининг тарихан вужудга келган, жамоа бўлиб яшашининг алоҳида шаклидир. Бундай жамоа табиий-тарихий йўл билан пайдо бўлади ва ривожланади, улар жамоа гуруҳига қирадиган кишиларнинг хоҳиш иродасига алоқадор бўлмасдан, ўз-ўзини қайта тарбиялаш ҳисобига кўп асрлар яшайди” [10:26-27].

Хулоса. Хулоса шуки, миллий ўзликни англаш кўпқиррали, мураккаб жараёндир. Умумий шаклда

шартли равишда уни икки асосий даражага бўлиш мумкин. Биринчи даражада миллий ўзликни англаш турли йўллар орқали ўзини бошқа кишилар билан қиёслаш натижасида амалга оширилади. Бундай ўзликни англашнинг асосий ички туйғусини ўз-ўзини кузатиш ва ўз-ўзини билиб олиш ташкил этади. Ўзликни англаш ва ўз-ўзини билиш бошқа кишилар билан муносабатларни ўрганишда онгли хулқни ташкил этиш ва ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш асосий восита ва зарурият ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Аристотель. Сочинения. В 4-х томах. – Москва: «Мысль», 1983; Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: «Тафаккур», 2009.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
3. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-жилд. – Тошкент: «Фан», 1968.
4. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисоалар. – Тошкент: «Фан», 1987.
5. Алишер Навоий. Махбуб ул қулуб. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1983.
6. Бромлей Ю.В. Национальные процессы в СССР: в поисках новых подходов. – Москва: «Наука», 1988.
7. Дробышева Л.М. Выступление на «круглом столе». // Вопросы философии. – Москва: 1989.
8. Уледов А.К. Духовное обновление общества. – Москва: «Мысль», 1990.
9. Широкогоров С.М. Место этнографии среди других наук и классификация этноса. – Владивосток: 1923; Развития межэтнических отношений в новых независимых государствах Центральной Азии. Под редакцией профессора А.Б.Элбековой. – Бишкек: «Илим», 1995.
10. Хўжамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияния на него ислама / фалс. фан.док. дис....автореф. –Тошкент: ЎзМУ, 1994.; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. – Тошкент: «Фалсафа ва ҳуқуқ» нашриёти, 2010.